

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 636-ҳадис

636/1270 – عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدَ اللَّهِ بْنِ أَبِي بَعْدَ

مَا دُفِنَ، فَأَخْرَجَهُ، فَتَفَّتَ فِيهِ مِنْ رِيقِهِ، وَأَلْبَسَهُ قَمِيصَهُ.

636.1270. Жобир розияллоху анху айтади:

«Абдуллоҳ ибн Убай дафн қилинган, Набий соллаллоху алайҳи васаллам келиб, уни чиқартирдилар ва унга тупукларидан туфлаб, кўйлакларини кийдириб қўйдилар».

Изоҳ: Ушбу ҳадис бир қараганда олдинги ҳадиснинг маъносига зид келади. Чунки олдинги ривоятда кўйлакни маййитнинг ўғли сўрагани, кейингисида эса маййитни қабрдан чиқариб, унга кўйлак кийдирилгани айтилган. Бу икки ҳадиснинг маъносини бирлаштириш учун турли эҳтимоллар айтилган. Жумладан, кўйлак қайсидир сабабга кўра маййитга кийдирилмай қолиб кетган ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ваъдани адо этиш ҳамда маййитнинг ўғлининг илтимосини бажариш учун мазкур тасарруфни қилганлар ёки юқоридаги ҳадисда кўйлакни берганлари умумий маънода айтилган бўлиб, кейингисида эса қачон берганлари баён қилинган. Баъзи уламоларнинг фикрича, бунда маййит қабрга қўйилган бўлса-да, ҳали кўмилмаган эди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

